



**3** **Замонавий аёл қандай бўлиши керак?**

**4** **Эгизаклар «Тантана»си**



**МАРБУБАНИНГ**



**МАКРИ**

**6**

**8** **Сепи эмас, эпи бўлсин!**



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Ҳеч шубҳа йўқки, дунёда камдан-кам барпо этилган, керак бўлса, иттифоқ ҳудудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва техник ускуналар билан жиҳозланган мана шундай улкан мажмуанинг ишга тушиши, наинки, Қашқадарё воҳаси салоҳиятини, айти пайтда, бутун мамлакатимизнинг индустрия қудратини янги босқичга кўтаришга бекиёс ҳисса қўшади.

Ислом КАРИМОВ

**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ:**

## ДОИМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА



Мазкур мажмуа фаолиятига бағишланган мақолани газетамизнинг 5-саҳифасида ўқийсиз.

### Ушбу сонда:

Ватан тупроғига зорлик олдида армонларнинг бари ёлғон .....	2
Интернетдан фойдаланувчи юрдошларимиз сони қарийб	
8 миллионга етди .....	2
Кексаларга буюм ўрнига меҳр беринг .....	3
Қўза кунда синди .....	7
Отасидан пул сўрайдиган йигит .....	7
Битта ажрим ҳам кўп .....	8
Ўзбек полвонлари шоҳсупада .....	8

# ВАТАН ЖОНИМ, ЖОН ТОМИРИМСАН!

...Ватан! Сахронгда унган янтоқ ҳам кечиб кетолмайди сенинг меҳрингдан. Илдиэларин чўзиб бағринг тўрига, чўлу биёбонинг айлайди макон. Дашту ёбонингда тизгинсиз шамол минг бир балоларга этса-да дучор, янтоқ ҳар баҳорда кўклайверади, пушти гуллар айтиб шаҳнингга ашъор. Баски, мен болангман битта тирноғинг, биттагина зарраг, битта урвоғинг, жону таним туташ шу ер, шу кўкка. Аждодларим ётар бағрингда ухла, болам улғайди боғингда ўйнаб. Сурурлардан тўлган хайратим ўзинг, ҳар нелардан ноёб шавкатим ўзинг. Баҳоринг меники, кузинг меники. Чаппар уриб гулга кирган боғларинг, зилол сув анҳоринг, кўлинг меники. Борингча суяман курбонлар бўлиб, ўзингдан кўрганам меҳрдан тўлиб. Бу ҳисни туймаган кўнгиб бегона. Ахир, Ватан битта бутун дунёда!

Ватан! Бу калимани тилга олсам, минг бир томиримдан жўшаётган меҳринг тафтидан вужудимни ҳаяжон чўл-

ҳар Ҳарорат юракка сизмайин ажиб бир ҳис кииргим намлар. Дил изхорига лойиқ сўз топилимас назм бобидан. Қирқ беш йил кучоғингда авайлаганинг, насиба уза-тиб боғу роғингдан. Ҳаёт ташвишидан толсам суяган — Ватан, сендан буюк нимам бор айтгин?! Онамга Ватансан, боламга Ватан! Онамдиз азизсан, боламдиз азиз! Ўзимдан азизсан, сўзимдан азиз! Ногоҳ тикан кирса товонларимга, вужудим тўлганар, жоним қақшайди. Сенга ҳас отса гар нокасу нодон, орим тўлғонади, борим титрайди.

Ватан! Кечаю бугунингни қўриб қалбим қувонади оқ тонгларингдан. Теграм узра соябон бўлиб, чароғон айлабон манзилларимни, бошида дўппиу белида белбоғ, миллатин қадрини босиб кўксига оплоқ яқтаклари бирам ярашган йигирма ёшлик навқирон борадур — унинг оти Истиқлол! Боболарим кўзларининг нури у! Отаганим белидаги куч-қувват! Момоларим алласида улғайган, онагинам эъзоэлаган тумор у!

Хуррият, сенинг шуқунингни шунчаки ҳис этиб бўлмайди. Умрлар ўтди-я сенга етолмай. Бир умрларки, Сени деб ўйонган. Нурларинг қўрлоган ҳаммадан бурун, Ўзбекка бахт дея Сенинг қадаминг, Бехбудийлар ўтди «Ўйгон, халқим» деб. Фитратларинг ўтди, Чўлпонлар ўтди. Қодирийлар ўтди, Усмонлар ўтди. Гоҳ мудроқ кўзингни оқинг-а, халқим. Гоҳ

ўзингни ўзинг яндинг-а, халқим. Ўзингни ўзингга боғлаб бердилар, ўз ёғингга ўзинг доғландинг, эй воҳ! Сизладинг қўлингга солсалар кишан. Муте бўлди миллат, ота юрт макон. Ҳаттоки дининг кўвгин қилдилар. Асл фарзандларинг «душман» билдилар. Ўз гўшангда ўз тилинда сўзломмайин, захматингдан, ҳасратингдан бўзломмайин, эгилдинг-а, эгилмоқнинг ҳадди бордир. Ўзбекининг ҳам кўтаргучи қадди бордир. Кўтарилган қаддингдан-а айланайин. Йўлларингга шерьим билан гул сочайин.

...Бундан етмиш-саксон йил бурун ҳам



бўғдой ўсарди-ку Ўзбекистонда. Туни бўйи бошоқ терган келинларингнинг зорига тўймай ўсди болалари. Юртбошимиз Истиқлолнинг биринчи йилларида-ноқ галла мустақиллигига эришиш йўлида жамки чораларни қўришга бош бўлди. Бугун йўқ деганда, қишлоқ хонадонининг тонналаб бўғдойи бор. Дўконлардан унларнинг хил-хил навлари узилмайди. Савдо расталари сархил нон ва нон маҳсулотларига сероб... Бу моддий тўқискиларимизнинг биргина кўриниши, холос. Истиқлол йиллари маданий, маърифий, ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқларни минг бир шўкрона, ифтихор билан тилга олсам арзийди. Мамлакатимизнинг олис ва яқин қишлоғу шаҳарларида қад ростилаган илму ирфон гўшалари, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган меъёрий дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани ўғил-қизларимизнинг ақлу шуурида ўз аксини топаёттир. Улар "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!" дея тафаккур бобида дунё ёшлари билан баҳс бошлашаёттир.

Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши Ўзбекистонда ўзбекона таълим-тарбиянинг ўзига хос ва ўзига мос бетакдор моделини яратиши сари йўл очди. Чунки ўзлигини англаган, ўзига султон бўлган юртининг жа-

мики жабҳаларда ташланажак залворли одимлари мактаб аталмиш муқаддас гўшалардаги оддий ва улғувор меҳнатларидан бошланади. Бу кечиктириб бўлмас вазифа халқ таълими соҳасидаги янги-янги имконларнинг кўз очиши, талабу тадбирларнинг ишлаб чиқилишига замин яратди. Мактаб таълимини янада ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури шу аснода юзага келдики, пировардида, бугун мактаб иши умуммиллат, умумдавлат ишига, умумманфаатига айлана олди. Миллий истиқлол гоёсининг қалбларда чўқур илдиэ отмоғи, ота макон, онажон ватан учун юрак-юрагидан ёниб яшайдиган баркамол авлодни тарбияламоқ мақсадида Ҳазрати Муаллим масъулиятни яна ва яна чўқурроқ ҳис этаёттир, бу ёшларимизнинг фикрат оламида ўзининг хосиятли аксини кўрсатмоқда. «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди!» деган гурур ҳукмирон бугун дилларда, тилларда. Бир гурурки, ҳеч бир куч бу туйғуни кўнгиблардан ўчиролмас!

Хуррият, Сен миллатнинг қадрини, эътиқодини бугун этган, орзуларини ушалтирган бир мўъжизасан! Халқимиз улғури бўхтонларга учраган, муборак қадамжолари харобаларга айланган, Куръони Каримни яшириб ўқиган кечаги кунини унутган эмас! Истиқлол йиллари Ўзбекистондаги не-не кутлуг остоналар, табарруқ қадамжоларга айланди. Ўзини англади эл, Ўз гуруркини эъзоэлаёттир. Ислол шартларидан бири бўлган — ҳаж қилмоқ саодати юраклардаги армонга айлиб қолган эди. Не бахтки, бугун ҳар йили минглаб ватандошларимиз ана шу амалларни соғ-омон адо этишмоқда. Дину диёнат мустаҳкамлиги элу элатлараро тинчлик, аҳиллик уруғини сочиб шарофатли кунларга етаклаши бешак.

Жон Ватаним, бир қаламқаш қизинг бўлиб таърифингни тилга олмоқ бўлдим. Юракдаги кўчириб беролмади ҳеч, бир қиёс Улуғладим минг хислатни, лекин Ватаним йимон ила суймоқдан улғуроқ улғулик топмадим...

Қуёшинг бошимда нур сочар ҳар тонг, шаббодалар силаб ўтар сочимни. Ватан қучоғингда омондур бошим, замин ўпиб турар товонларимни... Узилсам, шу ердан борим қуяди, боримнинг ҳаждида орим қуяди...Оҳ, Ватан! Жон берсам, жонингга жойла. Жонингда эрқалаб жон берганларнинг, армонлари бўлмас икки дунёда. Ватан тупроғига зорлик олдида армонларнинг бариси ёлгон!

...Ватан ифтихори, меҳри, гурури жонларинг жон томирларига улашса, бу юртининг қўрғонлари мустаҳкам бўлғай. Ганим йўлолмағай бундай маконга. Ҳасадларнинг бошлари эгилғай. Нурлар тўшалай Ўзбекистон, манзил-маконларингга. Сен жондирсан дилбандларингга, жон томиримсан, Ватан!

Ойбуви ОЧИЛОВА

## ШУКУҲ

## ШУ СОНГА ХАБАРЛАР



## АКТ бўйича семинар-тренинг

"Tashkent Palace" меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидини молиявий кўмағида семинар-тренинг ташкил этилди.

"Босма ОАВлар фаолиятига замонавий АКТни жорий этишнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги тадбирда юртимизда даврий босма нашларнинг электрон шаклини яратиш, ахборот алмашинуви жорий этиш, интернет-журналистикани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бугунги кунда қарийб барча марказий ва вилоят таҳририятлари ўз сайтларига эга. ЎЗ миллий доменидаги сайтлар сон эса 12,5 мингга яқинлашиб қолди. Ҳозирда 7 миллион юртдошимиз интернет тармағидан фойдаланмоқда (1000 нафар аҳолидан қарийб 267 нафари).

Икки кунлик семинар-тренинг маъруза ва амалий машғулот шаклида ўтказилди. Юртимиздаги илмий-тадқиқот марказлар вакиллари, соҳа мутахассислари, Олий Мажлис депутатлари, қўллаб-қувватлаш жамоат фонди раҳбарлари йиғилганларни кўплаб янгиликлардан хабардор этилди. Тадбирда, шунингдек, янги технологиялар, виртуал ахборот маконини ривожлантириш, худудий шарҳлар ўртасида тезкор ва сифатли ахборот алмашиш тизимини яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Латофат САБДУЛЛАЕВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

## Ахборот соҳаси ва нодавлат сектор

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ахборот олиш борасидаги аркиликларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, сўз аркилигини таъминлашга доир концептуал вазифалар ва уларни бажаришнинг устувор йўналишлари, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ соҳани ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган телерадиоканаллар ва веб-сайтларнинг 86 фоизини нодавлат ОАВ ташкил этади. Шу кўрсаткичнинг ўзидек мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари соҳасида нодавлат сектор жадал ривожланиб бораётганидан дарқ беради.

Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ислоҳ қилиш бўйича тақлиф этилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Одина КУЛМУРОВОДА

## Ҳамкорлик битимлари имзоланди

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман билан ҳамкорликда давра суҳбати бўлиб ўтди.

"Омбудсман, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни" мавзусидаги тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва бошқа қатор муассасалар раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислол Каримов илгари сурган Мам-



Абдувоси ХАЙДАРОВ олган сурат.

лакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтлари ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш ҳам устувор вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланган. Жумладан, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлан-

тириш, уларнинг ҳуқуқий-демократик давлат қуришдаги ролини кучайтириш, амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

— Бу қонун фуқаролик институтларининг давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлиги-

## ЖАРАЁН

ни назарда тутаяди, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова. — Қонун жамият тараққиётининг турли йўналишларида истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштироки учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қизгин давом этган давра суҳбатда жамоат ташкилотлари раҳбарлари мавзу юзасидан талаб ва тақлифларини билдиришди. Тадбир якунида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг бир қатор жамоат ташкилотлари билан алоқаларини нафақат давом эттириш, балки янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Шаҳноза РОФИЕВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

...Қадимда хонадон эркаги бирор юмуш билан кўчага ёки сафарга чиқиб кетганда, сув тугаб қолса, уйда ўғил бола бўлмаган ҳолларда бека дарвоза олдига челақ чиқариб кўяр, ўтган-қайтганлар челақни сувга тўлдириб, яна жойига қўйиб кетар экан. Энг эътиборли жиҳати, аёллар ким, қандай савобталаб инсон сув келтириб берганига қизиқиб, уни кўришга, эркалар эса қандай бегойимга оби ҳаёт зарур бўлганини билиш ёки уни аниқлашга ҳақ қачон уринишмаган. Йиллар ўтди, замонлар ўзгарди, ҳақ-хуқуқлар тенглашди. Аммо вақт ўтавериши билан "эмансипация" тушунчасини ўз билганимизча, дунёқарашимиз, қаричимизга қараб талкин этавердик. Лекин бу аёл ўзини эркадек тутуши мумкин деган эмаслигини ҳамма ҳам англаб етавермайди.

Инсоният тасавурида минг йиллардан бери сақланиб келган аёнавий: "Аёлнинг асосий вазифаси — рўзгорни эплаб, бола туғишдан иборат" қабилидаги фикр-қарашлар янги асрга келиб, ўз моҳиятини еру осмон қадар ўзгартиргандек гўё. Шу пайтгача оила бошлиғи, хонадон ҳамда аёлнинг асосий боқувчиси бўлиб келган эрканинг роли ҳам энди ўзгачарок. Бу эса турли давраларда ҳар хил баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётгани ҳам ҳақиқат.

Бугун хотин-қизлар эркалар билан оилада ҳам, жамиятда ҳам баб-баравар фаоллик кўрсатаётди. Сиёсий-ижтимоий, маънавий-эрифий соҳалар дейсизми, хуллас, ҳамма жабҳада улар ўз ўрни ва нуфузига эга. Биз бундай ҳолатни қисқа ва лўндагина қилиб "Янги замон талаби шу-да" деб изоҳлаёмиз. Ва табиғийки, кўпчилик орасида "Замонавий аёлнинг қўлидан ҳамма нарса келиши керак", деган ишончли фикрнинг шаклланишига деярли кўникиб бўлидик.

Хўш, замонавий аёл қандай бўлмоғи керак? Бу саволга энг аввало, кучли жинс вакиллари нима деб жавоб беришар экан?

#### Нортожи БОБОЁРОВ, истеъдоғи подполковник:

— Замонавий аёл деганда, ҳозирги давр талабларига муносиб ва тўлақонли жавоб берадиган инсонни тасаввур қиламан. Очигини айтга қолай, мунис ва мушфиқ хотин-қизларнинг эркашода бўлиши тарафдори эмасман. Ғайратли, кучли, ўз имкониятларидан ўрнида ва маҳорат билан фойдаланишларини истайман. Қўлидан келса, истеъдодли бўлса, майли, ишласин, биз ҳам қараб турмаймиш, кўмак беримиз. Манави касб эркачкини, бошқаси аёлнинг ҳунари деб қаралаш, менимча, нотўғри. Бирок ҳар қандай аёл оилада бека, меҳрибон она эканини унутмас бўлган. Баъзан: "Мен эримдан кўп пул топаман", деб кейкайиб, тилига эрк берадиган аёлларни ҳам учратиш қоламиз. Ёки оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган, айтаётган сўзлари "манаман" деган эркачки ҳам хижолатга кўядиганларини-чи, уларни ким деб атаймиз?


биль рули — аёл қўлида, тўғри келса, миҳ қоқиб, таъмирлаш ишларини қойилмақом қилиб бажараяпти. Замонавий технологиялар аёлларга кўпгина вазиятларда эркалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолмаслик имконини яратаяпти. Эрка киши ўз психологик хусусиятларига кўра диққат-эътиборини фақат бир нарсага жамлаши мумкин, аёл эса бирварақайига бир неча ишни амалга ошира олади. Тўғри, мантқ билан боғлиқ масалаларни ечиш бобида эрка-

бирор наф б о р м и ? Шахсан мен

замонавий аёл янгиликка интильгани маъқул деб ўйлайман. Бефарқ бўлмасин, лоқайд бўлмасин. Жамият ҳаёти, тараққиётга ўз ҳиссасини қўшсин. Албатта, ниманидир кашф қилиши, ихтиролари билан ҳаммани ҳайратга солиши шарт эмас. Қўлидан келса, шунга иқтидори бўлса, майли, бу ҳам керак. Аммо замон билан ҳамнафас бўлмаса, орқада қолса, ҳаётда мазмун

#### МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

## ЗАМОНАВИЙ АЁЛ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



Бу алоҳида мавзу.

Замонавий аёл замондан орқада қолмаслик учун илмфан, тараққиёт янгиликларидан бохабар бўлиши керак, албатта. Лекин ҳақиқий аёлларга хос назокат, нафосатли бўлиши ҳам эҳтисом. Ҳеч бир эрка: "Менинг хотиним уришқоқ, ҳар қандай одамни бир чўқишда қочиради", ёки "Хотиним билган сўкиш-қарғишлар зўр-да!" деб мақтангани истамайди. Рафиқасининг қўли ширинлиги, меҳрибонлиги, техника асбобларини яхши билиши ҳақида айтиши мумкин-у, камчилигини яширади, ҳасп-ўшлайди. Шиддаткор замонада тезкор одимлар билан олға юраётган замонавий аёллар, аминманки, буни яхши билишди, оила эркаларининг юзини ерга қаратмасликка ҳаракат қилишди. Улар ҳам ўз навбатида аёл олдига фақат талаб қўявермай, унга елкадош, ҳимоячи бўлиш кераклигини унутишмас, нур устига нур бўлиб эди. "Замонавий" деган сифат қўшилгани билан аёл ҳаммаша аёл бўлиб қолиши шарт!

Бугунги кунда замонавий аёл корхоналарни эркалардан ёмон бошқармаяпти. Автомо-

лар ҳамон олдинда. Айнан шу боис ҳам ким кучли-ю, ақллироқ эканини аниқлаш учун жинслар ўртасида доимий рақобат, баҳс боради. Қизиқиш, дид ҳам бир қадар ўзгарган. Эндиликда аёллар лирик, муҳаббат ҳақидаги романлардан кўра кўпроқ дитетив асарлар, жангари триллерларни маъқул қўришмоқда. Замонавий аёл Кумушбибидек чин муҳаббат йўлида қурбон бўлишдан кўра Зайнабдек ўз севгисини учун курашишни афзал билмоқда. Аммо Зайнаб йўлини тутганида ҳам Кумушдек сеvimли бўлиб қолиши, ўзини кучсиз, ҳимояга муҳтож нозикноҳол мавжудот сифатида ҳис этишни, ҳақиқий эркачкининг соясини — ҳимоясида юришни истайди. Замонавий аёл оғизга, кучсиз мавжудот мақомини аста-секинлик билан йўқотиб бормоқда.

#### Муҳаббат ИСАЕВА, психолог:

— Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Умиринг паст-баланд, турли вазиятларидан чиқиб айнан аёлнинг зиммасига тушадиган бўлса, кўз ёши, йиги-сиги, кимнингдир келиб, уни қийин ҳолатдан қутқаришини кутишдан

бўлмайди. Халқимиз орасида: "Яхши одамдан кўркма, ёмонликка қўли бормаслигини биласан, ёмон одамдан кўркма, фақат ёмонлик тилайди, хушёр бўлсан, бефарқ, лоқайд одамдан кўрк, унинг кўнглида нима бор, англаш қийин, яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдек эътиборсиз", деган нақл бор. Демак, лоқайдлик, бефарқлик ўзи, теvarак-атрофдагилар, ёруғ олам билан уйғунликда яшайдиган инсоннинг сифати эмас. Аёл зоти табиатдан қизиқувчан. Шу хусусиятини яхшиликка йўналтирса, фақат фойда бўлади. Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам.

Замонавий аёл яхшилик, эзулик тарафдори. Ҳаётга чанқоқ ва уни севувчи, орзу-мақсадли, ҳар томонлама баркамол, яхши тарбия кўрган, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳолисона таҳлил қилиб, унга нисбатан теран муносабатда бўладиган, яхши бека, ишончли ҳамкор, ақлли, билимдон, ҳатто энг мураккаб вазиятларда ҳам мурооса-мадора йўлини топа оладиган инсондир.

#### Саодат ҚУЛМУРОВА, тадбиркор:

— Шахсан мен ортиқча хою ҳавасни замона талаби деб аташларига қаршиман. Тўғри, талаблар ортиб бораёпти, буни инкор этмайман. Бир эркачкининг топгани оила кам-кўстини қолламаслиги мумкин. Турмуш ўртоғининг соғлом, бақувват, руҳан тетик кўриш учун баъзан унга қўмаклашишга тўғри келлади. Бирок бу эркачки хонадоннинг устун деб билишимизга қаршилиқ қилиши керак эмас. Қадимда ҳам аёллар ўз жуфтларига қўлларидан келганча ёрдам берганлар. "Берсанг — ёйман..." — деб ўтириш ҳеч бир замонда оқланмаган. Назаримда, аёл жинсидан эканини рўқач қилиб, ҳар жойда ўзиникини ўтказишдан, оғзидан боди кириб, шоди чиқишдан тийилиш керак. За-

монавий аёл — ҳамманинг ҳавасини келтириб, чехрасига оро бериб, ёқимли ифор таратиб, сўнги урфда кийинадиган "бизнесвумен" бўлиши шарт эмас.

Оила бошлиғи — эркак, аёл унинг маслаҳатчиси. Эркак бош, аёл бўйин экани назарга олинса, асосий вазифани барибир аёл бажаришига амин бўламиз. Чунки бўйин қаёққа қайрилса, бош шу томонга боқишга мажбур. Аёл оқила бўлса, турмуш кўнглидагидек кечиши тайин. Замонавий аёл эри билан баравар ишлаб, пул топяпти. Баъзида аёлларнинг даромади турмуш ўртоғиникига қараганда кўпроқ ҳам. Шундай бўлса-да, аёл ҳар қандай сарф-харажатни, ҳатто хайр-садақани ҳам эри билан маслаҳатлашиши оила аънасанга киритса, ишлаб топиладиган маблағни оила соҳибининг ижозатсиз сарфламаса, рўзгорининг қут-баракасини сақлаган бўлади.

#### София ҲАМДАМОВА, уй бекаси:

— "Уйда ўтирган аёлнинг қўлидан рўзгор юмушларидан бошқа нима ҳам иш келарди?" қабилидаги фикрлар ҳам йўқ эмас, албатта. Бу нотўғри қараш. Оддий бир мисол: мен уйда ўтираман, фарзандларим билим маканларида илм олишяпти. Дарс тайёрлаш жараёнини назорат қилиш зарурати туғилиши табиий. Ўзинг етарли билим малакасига эга бўлмасдан туриб, ўқувчи ёки талабанинг савиясига ҳолисона баҳо бериш мумкинми? Албатта, йўқ! Шундай бўлса, фарзандларинг олдида уйлаб қолмаслик учун ҳам ўз устунда ишлайсан. Бу ҳаракатни илм аҳлининг изланишларига таққослаб бўлмас, бирок ҳар қалай саводхонликка интилиш десам, нотўғри эмас. Уй бекалари замонавий техника воситаларидан фойдаланишни билмайди, улар ҳақида маълумотга эга эмас, дейиш ҳам ҳато. Оила бегининг топган-тутганига барак киритиш ҳам айнан аёлнинг зиммасида. "Мен замонавий аёлман, эрим билан баравар ишлаб пул топяпман, шундай экан, рўзгор юмушларини тенг бўлишиб олишимиз шарт", деб оёқ тираб туриш замонавийликка кирмайди.

Ҳақиқатан ҳам, замон шиддаткор, воқеа-ҳодисалар шу қадар тез рўй бераёптики, англаш гоҳида мушкуллик ҳам туғдирмоқда. Шундай тезкор даврда замон билан ҳамнафас бўлиш хотин-қизлардан ҳам маҳорат, малака, вақт, дид-савияни талаб этади.

#### Ҳанифа ЁҚУБОВА, Мудофаа вазирлигининг маънавият ва матриват маркази илмий-услубий бўлими ҳодими.

## Буюм ўрнига меҳр беринг!

#### ТАРБИЯ САБОҚЛАРИ

Ота-онанинг фарзанд деб чеккан захмати шунчалар кўпи, умримиз борича уларга меҳрибонлик кўрсатсақ, хизматини адо этсак-да, бу қарзни узоқламаймиз. Энг эътиборли жиҳати, биз — катталар дуоғўйларимиз ҳол-аҳволдан доим хабардор бўлиб, кўнглини чоғ этсак, ўғил-қизларимиз ҳам бундан ибрат олади, бу дунёда кексаларни қадрлаш энг савобли амаллардан бириликни чуқур англаб этади.

Халқимиз орасида "Ҳар ким экканини ўради", деган ҳикматли ибора бор. Ҳа, ота-онанингизга қай йўсунда бўлмасин, яхшилик қилиб, меҳр-мурувват

кўрсатсангиз, бу бир кун келиб, муқофот тариқасида сизга бола-чақангиздан қайтиши шубҳасиз экани кўп бора таъкидланган. Бу ҳақ гап. Ҳаётни, унинг пасту баландини, турмушдаги иқир-қиқирларни, қомил ва қобил фарзандлар тарбиялашни, хуллас, катта ҳаёт сабоқларини биринчи навбатда ўз ота-онанингдан, доғишманд кексалардан ўрганаймиз.

Ўз тахрибамдан келиб чиқиб айтаманки, аксарият ота-оналар фарзандларни кўтариб келадиган буюм-нарсаларни эмас, аксинча, уларнинг бир оғизгина бўлса-да ширин сўзини, самимий

меҳр-муҳаббатини интиқ қутиб яшайди. Ҳар қандай фарзандга ота-онадек меҳрибон, уларчалик қадрдон, бегараз дўст йўқ, бу дунёда. Минг афсуски, бугунги ёшлар орасида ўз ота-онани олдидаги бурчини унутган ёхуд бу оддий ҳақиқат моҳиятини тушунайдиганлар ахён-ахёнда учраб туради. Ҳатто баъзилари ана шу оддийгина инсоний вазифани ҳам фақат пул, буюм ёки моддий манфаат орқали адо этмоққа уринади. Бу эса мутлақо хатодир. Тўғри, ота-оналарнинг моддий ёрдамга эҳтиёжи ҳар хил бўлади. Айримлари касаллик ёки қарилик оқибатида болалари қўлига қараб

қолиши ҳам табиий жараён. Лекин кўпчилиги бундай ёрдамга деярли эҳтиёж сезмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз бу фаршасифат зотларга биринчи навбатда руҳий мадад улашмоқчи ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб англамоғимиз шарт. Тирикликда қадрига етмоқ, хурмат-иззатини жойига қўймоқнинг ўзи бир бахтдир. Ана шундагина уларнинг чин юракдан чиқадиган дуоларига мушарраф бўламиз.

#### Ойша ТЎРАЕВА, педагогика фанлари номзоди, профессор.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Фармонида биноан Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида пойтахтимиздаги "Баркамол авлод" болалар маркази қошидаги "Тантана" ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари Фотима Жўрабоева ҳамда мазкур ансамбль балетмейстери Зуҳра Зиёмухамедова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.**

Пойтахтимизнинг Чорсу бозори ёнгинасида жойлашган ҳашаматли "Болалар ижодиёт уйи"нинг шинама хоналаридан таралган шўх куй-яллалар ҳар қандай кўнгила ўзгача руҳ, кайфият бағишлайди.

— Қани, ўнг томонга эгил!  
— Нақоратни чўзиброк айт!..

Бу ерда аллақачон ўз муҳлислари ва шинавандаларини тоғиб олган машҳур "Тантана" гуруҳи машғул олиб бораётган экан.

Аслида, санъаткорлар оиласида дунёга келган, болалигидан ушбу соҳанинг оҳанрабодини туйган эгизак опа-сингилларни Шухрат ака билан Ёдгора опа машҳур "Булбулча"га етаклаб борганида, очғи, уларнинг бир кун келиб эл орасида бугунгидек доврў қозониши хаёлларига ҳам келмаганди. Фотима ва Зуҳралар устозлари Шермат Ёрматовнинг сабру қаноат билан берган сабоқларига амал қилар экан, келажакда ўзлари ҳам ана шу фидойи инсон сингари болажонларни санъат олами билан ошно этмоқчи чин дилдан юракларига туйиб қўйишган эди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг мусика факультетини битирган эгизаклар Шайхонтоҳур туманидаги 137- мактаб қошида "Тантана" болалар вокал ва рақс гуруҳини тузишди.

— Энди иш бошлаган пайтимизда ўқувчилар сони 15 нафар атрофида эди. Ўн бир йил мобайнида гуруҳимиз иштирокчилари сони юздан ошди, — дейди ансамбль бадий раҳбари Фотима Жўрабоева. —

Очғини айтмайми сизга, энди фаолиятни бошлаганимизда кўпчилик бизга беписандлик билан қараган. Концерт залларига репертуарларимиз билан борганимизда, масъуллар киноя билан: "Шу ёшгина қизчалар хали гуруҳ раҳбарими?" деб хайрон бўлишган. Хатто айрим ота-оналарни ишонтириш ҳам осон бўлмаган. Қўшиқлар ёзиш, либослар муаммоси... Бу борада бизга 137- мактаб директори Холисхон Абдуғаниева, санъатимиз фидойиларидан бири Саъдулла Қўлдошев, ижодиёт уйи директори Носир Файзиёвларнинг беминнат кўмакларини алоҳида таъкидлашни истардим. Мана, худого шукр, Зуҳра иккимизнинг саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Аввал мактаб саҳнасида иш бошлаган бўлсак, кейинчалик эл назарига тушдик. Наврўз ва Мустақиллик шодиёналарида болаларимиз ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд эта бошлашди. Ниҳоят, шу йилнинг март ойида "Истиқлон" санъат саройида гуруҳинг ўн йиллигини ўтказдик. Ана шу байрам тадбирида нафақат болалар, балки уларнинг оналари ҳам қўшиқ куйлашди.

«Дада, ҳорманг», «Умид ни-

ҳоллари», «Ватаним», «Шўх бола» сингари ўнлаб ажойиб қўшиқлар бугунги кунда жажжи муҳлисларнинг кўнгили мулкига айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. Уларнинг куйи, сўзи болаларга хос соддалиги, беғуборлиги билан ҳам ажралиб туради.

## Эгизаклар "Тантана" си

— Бизнинг ўзимиз "Булбулча" ансамблидан чиққанимиз учун қўшиқлар матни, мусикаси, рақс ҳаракатларига, либослар танлашга алоҳида эътибор бераримиз, — дейди ансамбль балетмейстери Зуҳра Зиёмухамедова. — Чунки ҳар бир айтилаётган қўшиқнинг куйи, оҳанги, сўзи болаларга мос қувнок

энг сара истеъдод соҳиблари беш ёшдан танлаб олинади. Ёшига қараб, учта гуруҳга бўлиниб, ҳар ҳафта уч кундан машғул олиб борилади.

Фотима Жўрабоева: — Гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси ўз фарзандимиздек бўлиб қолган. Болалар бир-бири билан ака-ука, опа-сингилдек қадрдон ва



ва самимий бўлиши керак. Рақслар ҳам худди шундай. Қўшиқларни кўпроқ жонли овозда ижро этишга аҳамият бераримиз. Дастлаб мусикани ўзимиз ёзардик. Кейинчалик эса профессионал композитор ва оранжировкачиларга мурожаат этдик. Иложи борица ҳар бир ўқувчига индивидуал тарзда ёндашишга ҳаракат қиламиз. Чунки бири-нинг овози ширали бўлса, иккинчисининг рақс ҳаракатлари яхши ёки учинчисида иқтидор бор-у, лекин саҳнага чиққанда етказиб бера олмайди. Айримлари жуда тез — бир-икки ойдаёқ йўлга тушиб олади. Баъзилари билан эса уч-тўрт, ҳатто бир йилгача жиддий шугулланишга тўғри келади. Шу боис болалар билан ишлашда биринчи навбатда сабр-тоқат керак, қолаверса, уларнинг психологияси ниҳоятда нозик. Гуруҳимизнинг фаркли жиҳати, биз концерт дастурларимизда фақат битта яккахондан фойдаланмаймиз. Уни ҳар сафар алмаштириб тураемиз. Чунки истеъдодлиларни ҳаммаша руҳлантириб, рағбатлантириш керак.

Ҳар ўқув йилининг охири, яъни май ойида уч турдан иборат кастинг-танлов ўтказилиб,

### МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ



на", "Томоша", "Тарона", "Севинч" каби болалар гуруҳлари катта-кичик саҳналарда ўз чиқишлари билан иштирок этиб келишяпти. Хўш, Зуҳра, айтингни, сизнинг назарингизда, улар орасида соғлом ижодий рақобат борми?

— Биз ҳаммаси билан дўстона муносабатдаемиз. Доим бири-биримиз билан ижодий мулоқотда бўлиб, фикр алмашиб тураемиз. Камчиликларимизни айтишса, тўғри қабул қиламиз, ўз вақтида улар ҳам бизнинг маслаҳатларимизни инobatта олишади. Баъзан репертуарларимиз бир-бирига ўхшаб қолса, тортишиб ўтирмадан ўз вақтида тузатишга интиламиз. Либослар бўйича ҳам маслаҳатлашамиз. Ҳаммамизнинг ўз йўналишимиз, услубимиз бор. Айниқса, устозимиз, "Булбулча"нинг бадий раҳбари, Шермат Ёрматов бизнинг энг яқин маслаҳаттўйимиз.

— Фотима, «Тантана»нинг ўн бир йиллик фаолиятида кашф этилган қалдирғочлар ҳақида тўхталсангиз.

— Улар орасида бугунги кунда ёшларимизнинг севили эстрада хонандаларига айланган «Нихол» мукофоти совриндорлари Зиёда, Мадина Мумтоз, Ойбек ва Нигоранинг борлиги бизни қувонтиради. 2007 йили «Тантана» энг яхши гуруҳ сифатида «Янги авлод» танлови ғолиби деб топилди. 2009 йили эса яккахонларимиздан бири Шохруҳ Халилов «Ёш қўшиқчи» халқаро фестивалида совриндор бўлди. У мумтоз санъатимиз дурдоналари бўлган «Савти Калон», «Мустаҳзод», «Лағзи»ларимизни ижро этиб, ўнга яқин давлатдан ташриф буюрган меҳмонлар ва мутахассисларнинг эътирофи сазовор бўлди. 2010 йил гуруҳимиз учун жуда омадли келди. Олти нафар иштирокчимиз «Янги авлод» танлови ғолиби деб эълон қилиниб, менга «Йилнинг энг яхши жонқур устози» сифатида Фонд форумининг фахрий ёрлиги топширилди.

— Сизларни минглаб муштарийларимиз ҳамда муҳлисларингиз номидан Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганликларингиз учун чин кўнгиладан табриқлаймиз...

— Энг аввало, Юртбошимизга таъзим ва ташаккурлар айтаямиз. Чунки мамлакатимизда ёшларни, иқтидорли ўғил-қизларимизни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш йўлида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилляпти. Бундай гамжўрликка жавобан улар ҳам, ўз навбатида, ана шу ишончли муносиб равишда оқлашлари керакда. Ўйлаймизки, хали яна канчадан-қанча иқтидор соҳиблари нафақат юртимиз, балки дунё микёсида ҳам ўзларининг неларга кодир эканликларини исботлашади. Биз ҳам, албатта, шу улуг эътирофни оқлаш йўлида тинмай ижод қилавераримиз.

«Оила ва жамият» мухбири Шахноза РОФИЕВА суҳбатлашди.

### Газетхон илхоми



Носир БЕРДИЕВ

### Айланай

Сўзлари ширин ёрим,  
сўзи-болингдан айланай,  
"Минг бир кеча" лол қолар,  
бахт-иқболингдан айланай.  
Кеча-кундуз жамолинг бир  
кўрмасам соғинарман,  
Туналарим ёритгуси юзи  
ҳилолингдан айланай.

Юракларни бойлаган дил  
риштамдан айланай,  
Кўнгли беғубор осмон,  
сен сариштамдан айланай.  
Тақдиримга минг шукр,  
офтобим ҳам ўзингсан,  
Асли бахту камолим,  
пок фариштамдан айланай.

Бу боғинг мезбони мен,  
сен — меҳмонимдан айланай,  
Ўзинг бахтим чироғи,  
умри-жонимдан айланай.  
Носирий юрагида Бахт  
атамлик тоғ яшар,  
Меҳр тўла серқуёш  
ул осмонимдан айланай...

### Онажоним

Онажоним, дуоғўйим,  
кўзингда ёш кўрмайин,  
Танда жоним сенкидир,  
керак бўлса берайин.  
Нечун бу кун хомуш тортиб  
тушларимга қирибсан,  
Юракдаги дардларингни  
битта-битта терайин.

То тонгача мижжа қоқмай  
фарзандларни кутасан,  
Кўзларингда ёш-аламни  
сездирмайин ютасан.  
Эҳ, онажон, биз улғайдик,  
энди қайғурма десам,  
Дейсиз "Мен учун баринг  
бир умрлик боласан".

Бемор бўлсам, кўзингдан  
ҳалқа-ҳалқа оқар ёшлар,  
Бесабр инграшларим  
дардингга дардлар қўшар.  
Кўзларингдан нур томар,  
юрагингда сехр бор,  
Бу дунёда сўнмайдиган  
энг нури қуёш яшар.

### Насиҳат

Йигитликда кексалик  
қадриң англа,  
Кексаликда ёшлигинг  
қўмсаб йнгла,  
Бу гапларим эзмаликка  
йўймассиз.  
Билинг, асли  
бу дунёга тўймассиз.

Бола ёшдан, хотин бошдан,  
демишлар,  
Келажакнинг гамиң бугун  
емишлар.  
Тарбияда бир лаҳза ҳам  
ганимат,  
Ота-она — энг улуг бахт  
эмишлар...  
Чирчиқ шахри

**Шўртан газ-кимё мажмуаси мамлакатимиз саноати, иқтисодийётага муҳим стратегик аҳамиятга эга корхоналар сирасига киради. Корхона Қашқадарё вилояти Ғузур туманида, Қарши чўлининг сахро минтақасида жойлашган ва Шўртан газконденсати конлари базасида қурилган.**

**Энг сифатли ва энг биринчи**

Корхонада ишлаб чиқарилган диган ўнлаб марка ва турдаги полиэтилен маҳсулотларига эҳтиёж катта. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, тадбиркор ва ишбилармонларини кўллаб-қувватлаш мақсадида маҳсулотларни республика хомашё биржаси орқали ички бозорда сотишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 30 фоизи Россия, Украина, Қозоғистон, Беларусъ сингари хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхона 2011 йили 3400 млн. м<sup>3</sup>/куб табиий газ, 100 минг тонна суюлтирилган газ, 100 минг тонна газ конденсати, 125 минг тонна полиэтилен, 1,7 минг тонна олтингугурт, 1318 км узунликдаги турли диаметрли полиэтилен қувурлар, 20,0 минг дона канистр, турли диаметрли фитинглар, 1855 тонна томчилаб сугориш тизими шланглари ва уларнинг бутловчи қисмлари, 750 минг кв.м алюмин композитли қопламалар ишлаб чиқаришни зиммасига олган. Барча режалар ошиги билан ууддаланиб келинмоқда.

2009–2012 йилларга мўлжалланган модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган бир нечта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Олтингугурт олиш қурилмасини модернизация қилиш”, “Тўйинмаган углеводларга водород бириктириб сиқилган пропанбутан аралашмаси олиш қурилмаси ўрнатиш” сингари лойиҳаларни мисол келтириш мумкин.

Мажмуанинг “Қарши термопласт” цехидан импорт маҳсулотлари ўрнини босадиган ва, энг муҳими, сифатининг юқорилиги ва нархининг арзонлиги билан турдош маҳсулотлар орасида “Энг сифатли ва энг биринчи” деган номга сазовор бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар, томчилатиб сугориш тизими шланглари ва бутловчи қисмлари, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композитли қопламаларни исталган ҳажмда харид қилиш мумкин. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ушбу янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эвазига қўшимча иш ўринлари яратилди.

**Инсон омили — асосий мезон**

Мажмуада 40 дан ортиқ яқин цех, хизмат, тармоқ ва бўлинмалар мавжуд. 2011 йил 1 январь ҳолатига 3511 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич 1 сентябрда 3857 нафарга етди, 8 ой ичида 400 нафардан ортиқ киши ишга қабул қилинди. Жамоада 587 нафар хотин-қиз меҳнат қилади.

Мажмуада ишчи ва хизматчиларнинг иш шaroитларини яхшилаш, дам олишлари, хордик чиқаришлари учун қулайликлар яратишда ишдаги самарадорлик,

меҳнат унумини белгилайдиган бош омил сифатида қаралади. Ходимларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, Қарши шаҳри ва Нуристон шаҳарчасида 346 та барча қулайликларга эга замонавий кotteжлар ва ҳар бири 40 хонадонли 10 та кўп қаватли уй қурилди. Ғузур туманидаги Янги ҳаёт қишлоғи ҳудудидан 12 гектар ер майдони ажратилиб, 90 хонадонга мўлжалланган замонавий дизайнли уйлар қад кўтарди. Яқин кунларда бу ерда уй тўйла-

на бунёд этиш устида ишлар бошлаб юборилган. Ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрик натижаларига кўра касаллиги аниқланган ишчи-хизматчилар мажмуа ҳисобидан бепул даволанади. Шунингдек, мажмуа ҳисобидан ходимларнинг оила аъзолари даволаниши учун ҳам яқиндан ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ишчи-хизматчилар меҳнат таътили даврида сихатҳоғларда даволаниб, соғлигини тиклаб келиш учун маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан им-

Хулоса қилиб айтганда, Шўртан газ-кимё мажмуасида ишчи ва хизматчиларнинг самарали меҳнат қилиши баробарида мазмунли дам олиши учун барча шарт-шaroитлар муҳайё этилган. Бу борада корхонада “Инсон омили — асосий мезон” шиори амал қилади.

**Истиқболни ўйлаб...**

Корхонанинг ўн йиллик фаолияти давомида кўплаб маҳаллий ишлар (ишчи-хизматчиларнинг 45 фоизини ташкил этади) Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Польша, Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Канада, Россияга бориб, касб маҳоратини ошириб келишмоқда. Чет элдаги турдош корхоналарда орттирилган тажриба бугунги кунда уларни янада етук мутахассис даражасига етишишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Энг муҳими, мажмуада ўргангани ўргатиш тажрибаси шаклланган.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази “Санот-ақтотехназорат” давлат инспек-

Шўртан газ-кимё мажмуасига бириктирилган 7 та касб-хунар коллежига техник, методик ва моддий ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Амалийёт даврида 532 нафар ўқувчига иш ҳақи тўлаш, бепул иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилган, корхонага келиб-кейтиш учун автотранспорт воситаси ажратилди.

**Янги тармоқлар**

Ўртимизда йирик корхоналар негизида янги ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш йўли билан халқ хўжалиги маҳсулотлари турларини кўпайтириш, аҳоли учун иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай хайрли ишлардан Шўртан газ-кимё мажмуаси ҳам четда тургани йўқ.

“Ўзбекинефтгазқазибчиқариш” акционерлик компанияси ва вилотэ ҳокимлиги билан келишилган ҳолда йилга 5 минг тонна ип-кавала йигиришга мўлжалланган корхона бунёд этиш инвестицион лойиҳаси устида иш бошланган.

Навоий эркин иқтисодий-индустриал зонада хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда “Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш”, “Полиопилендан қувурлар ишлаб чиқариш”, “Оптик толали маҳсулотлар ишлаб чиқариш” лойиҳалари бўйича иш олиб борилиб, белгиланган ва зифалар қарийб яқунланди. Умумийнинг “Оман Фрейдер Компани” компанияси билан ҳамкорликда йилга 10,0 минг п. км узунликдаги оптик тола маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган заводда бунёдкорлик ишлари яқунлаши арафасида турибди.

Дехқонобод туманида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида йилга 800 тонна макарон, бир суткада 4,8 тонна печенье, 5,6 тонна қандолат маҳсулотлари ва йилга 2 млн дона тежамкор электр лампалар ишлаб чиқариш корхона ва цехлари қурилиши яқунланди, хориждан ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозлар келтирилди. Яқин орада 200 нафардан ортиқ юртдошларимиз барқарор иш ўринларига эга бўлишади.

**Тантаналар яқин...**

Истиқлол шарофати туфайли давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритаётган жамоа шу йилнинг декабрь ойида Шўртан газ-кимё мажмуаси фаолият кўрсата бошлаганига ўн йил тўлиши муносабати билан бу санани тантанали нишонлашга қизгин тайёргарлик кўраётир. Мажмуа ўтган вақт мобайнида мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим корхоналардан бирига айланди. Қувонарлиси шундаки, ўн йил давомида ушбу корхонада ишлаб чиқарилган ўзбек полиэтилен микдори 1 миллион тоннадан ошди. Мажмуа бундан буюн ҳам ўртимиз саноати дувратига қудрат қўшишда давом этиши, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида кўплаб хайрли тадбирларга бош қўшиши шубҳасиз. Зеро, Шўртан газ-кимё мажмуасининг бугунги ибратли фаолияти ва истиқболли лойиҳалари шундай неқбин хулосага келиш учун имкон беради бизга.

**Ойзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.**



**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ: ДОИМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА**


ри бошланиб кетса, ажаб эмас. Корхона имкониятларидан келиб чиқилиб, қўшимча равишда яна 100 та кotteж қурилмоқда.

Мажмуанинг аксарият ишчи-хизматчилари истиқомат қилаётган Нуристон шаҳарчасида шу пайтгача барча шарт-шaroитларга эга 35-умумий таълим мактабида фаолият юритаётган эди. Яна 630 ўринли янги 38-умумий таълим мактаби қуриб фойдаланишга топширилди. Ишчи-хизматчиларнинг кичик ёшдаги фарзандлари учун ҳавас қилса арзигулик “Эркатой” мактабгача таълим муассасаси мунтазам равишда ишлаб турибди.

Болалар ёзги мавсумда марокли дам олиши, соғломлаштирилиши учун Шаҳрисабз туманининг сўлима масканларидан бири Мироқи қўргонида жойлашган “Лочин” оромгоҳида барча шaroитлар муҳайё қилинган. Бир навбатда 1000 нафар болани қабул қилиш қувватига эга оромгоҳда айни кунларда 20 ўринли меҳмонхонани таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Кейинчалик 200 ўринга мўлжалланган санаторий, 68 ўринли меҳмонхона, 160 ўринли ётоқхона қуриш ҳам мўлжалланаётган.

Қарши шаҳрида жойлашган маданий ва спорт-соғломлаштириш маркази замонавий дизайн асосида тўлиқ реконструкция қилинди. Мажмуа футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида тўп сураётган “Насаф” профессионал клубининг, аёллар ўртасида футбол бўйича бир неча йилдан буюн республика чемпионлигини қўлдан бермай келаётган “Севинч” клубининг бош ҳоимиси ҳисобланишини мамнуният ила қайд этиш жоиз.

Айни кунларда Қарши шаҳрида собиқ вилотэ урология маркази биноси қайта реконструкция қилиниб, мажмуага қарашли кўп тармоқли шифохо-



тияэли, меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришган ходимларга бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Шу ўринда ҳам таъминланган оилаларга, моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолган эҳтиёжманд ишчи-хизматчиларга ҳамиша кўмак кўрсатилаётгани, олий таълим муассасаларида тахсил олаётган фарзандларининг тўлов-шартнома пуллари тўлаб берилаётгани, мажмуадан нафақага чиққан ходимларга ҳам ижтимоий-иқтисодий кўмак бериш сингари хайрли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

цияси томонидан берилган 70 йўналишдаги мутахассисликлар бўйича ўқитиш ва ишчиларнинг малакасини ошириш рухсатномасига эга. Турли бўғиндаги мутахассислар, ишга янги қабул қилинган ёшлар технологик цех ва қурилмаларнинг мақсадли ўқув режаси асосида малака ошириб борадилар. Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан мутахассис кадрлар мажмуага ишга қабул қилиниб, касбий малакалари оширилмоқда. Улар яқинда ишга туширилиши мўлжалланган Устюрт газ-кимё мажмуасининг барқарор ишлаши учун хизмат қилишади.

Кимнингдир кўнгли кечинмаларига кулоқ тутиб, қувонч-ташвишларини бўлишар экансан, сендан маслаҳат сўраб, менга бирор жўялироқ йўл кўрсатармикан, деган умид билан юз-кўзларингга термулиб турган инсонга далда бўлмай қоларкансан. Мен ҳам ўша куни тахририятимизга келган Умида исмли (тўлиқ исми-шарифи, манзилини ошкор этишимни истамади) кўхликкина, лекин бир дунё армонни юрагига яшириб яшаб юрган аёлнинг бошидан ўтган воқеаларни эшитдим-у, минг афсуски, хайрлашаётим ҳам унга далда бўлгулик гаплар айтолмадим. Чунки...

Шу боис уни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этайман, муҳтарам муҳлис!

#### Умида опанинг ҳикояси:

— Кўз очиб кўрган умр йўлдошим қаёқ қилганида эндигина йигирма бир ёшда эдим. Қисматни қарангки, у киши меҳмондорчиликка бориб, ароқдан захарланиб келди. Касалхонада бир ҳафта қон қусиб ётди. Ўшанда қўлимда олти ойлик қизчам бор эди...

Қайнонам, қайноғам-қайнопа-ларим уч-тўрт ойча кўнглимга қараб туришди. Чақалокни кўлларида кўймасди. Аммо ойлари ўта боргани сари қайнонамнинг муносабати ҳам ўзгара бошлади.

Бир куни даладан қайтсам, қайнонам сўрида кўшимиз билан гаплашиб ўтирган экан. Мен ховлининг орқа томонидан кирдим. Шу боис, улар мени пайкашмади.

— Келинингизнинг гулдекки-на умрини ўтказиб ўтираверасизми энди, Салима опа? — деди ҳамсоямиз.

— Мен нима дейман, ўзидан кетаман деган садо чикмаса, қувиб солайми? — деб жавоб берди қайнонам. — Лекин барибир бир куни кетади. Энди уни бағримда авайлаб олиб ўтирганим билан ўғлим тирилиб келармиди? Кенжамни уйлантирволай, унчага хизматини қилиб турсин...

Юракни тешиб юборгудек шу аламли гапларни онамдай ардоқлаб юрган қайнонам айтаётганига ишонгим келмасди. Жуда алам қилди, лекин ҳеч кимга сездирмадим. Ҳўрозлар қичқириб, тонг ёриша бошлаганда, қизчамни бағримга босиб, битта тугунини олдим-да, келилик уйимдан чиқиб кетдим.

Ота уйимда икки келин бор, боз устига, кенжа укам ҳам уйланидан ёшда эди. Ноилж укам билан яшай бошладим. Ҳеч қандай маълумотим йўқлиги учун далага ишга чиқиб кетдим. Топганимни катта акамга олиб келиб берар, зўрғорда нима юмуш бўлса, қилиб кетаверардим. Келиноилларим олдидаги хокисорлигим кўпинча қимматга тушарди.

Бир куни Зухра келиноийм ишдан келиб, мени ошхонага имлаб чақирди:

— Умидаҳон, сизга бир зўр янгилик бор. Қандай деб сўрамайсизми? — деди кўзлари чақнаб.

Бир зумда катта келиноийм ҳам ёнимизга келди.

— Нима ҳақда гаплашасизлар?

— Сингилжонимга зўр куёв топдим! — деди у овсинига юзланиб.

Мен норози оҳангда эшик томонга йўналдим, Зухра келиноийм билан биргача қаттиқ ушлаб тўхтади.

— Хо, биз сизга эр топамиз-у, сиз ноз қиласизми? — деди қошлари чиррилиб. Бу сафар унинг кўзларида нафрат сарчаб турар эди. — Ҳўш, қачонгача эрларимиз топганига шерик чиқасан? Сен келганидан буён аввалгидек кийинломаймиз, ёбичиб, ўйнаб-қулолмаймиз. Акаларнинг ҳам бир гапни қайтаришди: нима эмиш, Умидаҳон-

Сал аввал ўзларини жуда аҳил-иноқ кўрсатаётган ака-ука, овсинлар бир-бирлари билан гап таллашиб кетишди. Охири бу гапларни эшитиб, чидолмадим: — Тўхтанлар, ака, ўша уйга мен кўча қолай, — дедим мен.

— Ҳа, ана, Умидаҳон қизчаси билан кўчиб ўтсин. Бу уйда нима бор уларга? — деди катта акамнинг хотини...

Хуллас, узоқ тортишувдан кейин вақтинча бўлса-да мени янги ҳовлига кўчиб ўтдим. Тез кунда киш эшик қоқди. Қизим билан чор атрофи очик, совуқ уйда қийинчилик билан кун кел-

дим. Шу куни тун бўйи қандай қилиб пул топиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб чиқдим. Тонг отиши билан акаларимнинг ёнига чолдим. Минг истиҳола билан уларга дардимни ёрдим. «Сенга ким қўйибди, қиз ўқитишни?! Қолаверса, қиз бола ўқигани билан нима бўларди? Бунинг ўрнига тезроқ уза-тишни ўйласанг-чи!» деган гапни айтиди ҳар икки акам. Умидсизликка тушмадим, ўзига тўқ танишларимдан қарз кўтардим, етмаганига уйдаги бузоқчани сотдик.

Сентябрь ҳам келди, қизимнинг қўлига айтилган суммани тутқазиб, шаҳарга кузатдим. Негадир, у пул олаётган маҳал ўзини ноқулай ҳолатга тушиб қолгандай тутди.

Уйда бир ўзим сўппайиб қолдим. Кундузлари болалар богчасида фаррошлик қилар, бировларнинг томорқасида ишлардим. Кечалари эса ҳамсояларнинг кўрпа-тўшагини қавиб чиқардим. Топган пулларимни тийинигача қизимга юборардим. Бегона шаҳарда пулга зорикмасин, дугоналаридан кам бўлмасин, яхши кийинсин, дердим.

Қишлоқдан шаҳарга бориб ўқийдиган бошқа йигит-қизлар ойда бир келиб-кетар, аммо қизим уч-тўрт ойда бир келарди. Сабабини сўрасам, «Йўлқирага кетадиган пулимга китоб олсам, яхшимасми, оий?» дерди. Ҳатто ёзги таътилда ҳам қишлоққа келмас, институтдан ишга жўнатишди, деб кўнгирок қилиб, мени тинчлантирарди.

Учинчи йили олти ойча ундан дарак бўлмади. Қишлоқдан ким шаҳарда ўқиса, ҳаммасидан бирма-бир сўраб чиқдим. Бирови кўрдим, яхши юрибди, деган гапни айтмади. Охири бир куни кўшни қишлоқда яшайдиган йигит мени кўчада кўриб айтиб қолди:

— Холажон, сиз Марғубанинг онаси экансиз-а, бир гап айтсам хафа бўлмайсизми? — деди у дабдурустан.

— Йўқ, болам, нега энди, нима ёмон гапми? — дедим.

— Қизингиз... биласизми, йўқми, ҳеч қайси институтда ўқимайди, — деса бўладими.

Ундан бу гапни эшитиб, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Сал бўлмаса, хушимдан кетаёзим.

— Нега? Нега ўқимайди? Сен қаердан биласан бунни?

— Узимизнинг таниш ҳам-қишлоқ йигит-қизлар уни у ер-бу ерда кўришган экан. Мен ҳам бир гал бозорда кўрувдим...

Қани энди, ер ёрилса-ю, кинриб кетсам. Бўғзимга нимадир тикилиб қолди гўё. Ҳатто гапиролмасдим.

— Жон, болам, илтимос, мени унинг олдига олиб бор — ёлвора бошладим унга. — Йўқ демагин, ўтинаман. Мен қишлоқдан нарини кўрмаганман. Илтимос, йўлқирангни ҳам тўлайман, фақат қизимни топиб берсанг бўлди!...

— Хола, олиб боролмайман-у, лекин манзилини айтиб беришим мумкин, — деди ва қозғочча бир нарсаларни ёзиб қўлимга тутқазди.

Эртаси куни шаҳарга йўл олдим. Йўлда кетиб борарканман, ҳалиги йигитнинг айтган гапларига сира ишонгим келмасди. Қизимни ўз оғзи билан айтган институтда, ўқийётган жойида учратишдан умидимни узмагандим. Айтилган манзил кўп қаватли уйлардан бири экан. Уй эгаси унинг бир ой аввал кўчиб кетганини айтarkan, менга бошдан

## МАРҒУБАНИНГ



## МАҚУРИ

чира бошладик. Боши очик ёш аёлнинг мурғак боласи билан қишлоқ четидаги уйда ёлғиз яшаси... Бунни ҳамма ҳам тўғри тушунавермас, айрим нопок кимсаларнинг гап-сўзларини айтмай қўяверинг.

Боғчага ишга кирдим, далага ҳам чиқдим. Туну кун ишладим, боламни фақат ҳалол луқма билан катта қилишга интилдим.

Ҳаш-паш дегунча Марғуба қизимнинг ёши ўн олтига чиқди. Мақтабни тамомлади. Ўқиган одамларга жуда ҳавасим келарди. Шунинг учун уни ўқитишни хоҳладим. Шаҳарга, институтга ҳужжатларини топшириш учун кетганида, қайтишини ҳаяжон билан кутдим. Имтиҳон топширишга кетганида эса даҳқалар санадим, кечалари ухламай омадини сўраб илтижолар қилдим.

Нихоят, у бир куни дарвозадан кўриб, юрагим шув этиб кетди.

— Нима, имтиҳонлардан ўтломадингми, қизим? — сўроқча тутдим уни сабрим чидамай.

— Йўқ, ўтдим. Аммо...

— Нима, аммо? Гапирсанг-чи? Имтиҳондан ўтган бўлсанг, нега ҳасан?

— Ойи... «контракт»га тушибман, — деди у ерга тикилиб.

— У нима дегани?

— Ўқиш учун пул тўлаш керак бўлади.

— Қанча?

— Кўп, бизнинг унча катта пулни тўлашга қурбимиз етмайди барибир.

Зинага бемажол ўтириб қол-

оёқ қараб чиқди ва «Сиз Марғубанинг онасимизсиз, эсиз, у аллақачон...» Бошқа айтган гапларини эшитмадим ҳам.

Уй йўлагидан чиқибман-у, хушимни йўқотибман. Кўзимни очсам, тепамда милиция формасидаги бир йигит турибди. Нима бўлганини сўраганим, жавоб ўрнига хўнграб йиғлаб юбордим. Кўзим тўла ёш билан бу мусофир жойлардан нима қилиб юрганимни айтиб бердим. Кўнглимни кимгадир ёрмасам бўлмас, жуда ёмон сикилгандим. Йигит мени юпатди, ёрдан беришини айтиб тинчлантирди. Кейин билсам, у шу худуднинг нозирни экан. Хонасига бошлаб борди. Мени тулга ўтқазиб қўйиб, ўзи ошхонадан косада овқат, нон олиб келди. Чой қуйиб узатди. Бирга овқатландик. Кейин у қаерларгадир, кимларгадир телефон қилди. Орадан ҳамаси икки соатлар ўтгач, бир манзили телефонда ёзиб олиб, менга:

— Юринг-чи, хола, мана шу жойга ҳам бориб кўрайлик-чи, — деди.

Йўловчи машинадан тушиб, яна кўп қаватли уйларнинг бири олдида тўхтадик. Йигит менга бир йўлакни кўрсатди:

— Мана шу ердан учинчи қаватга кўтарилиб, чап томондаги эшикни тақиллатиб кўринг-чи. Менинг чиқмаганим маъқул. Нега десангиз, улар формадагиларга атайин эшик очмасдиқлар мумкин, — деди-да, ўзи пастда қолди.

Мен содда, унинг гапидан ҳайрон бўлиб, айтилган эшикни кўрқа-писа тақиллатдим. Бироздан сўнг ичкаридан овоз келди:

— Ким у?

Оёқ-қўлимни титроқ босди. Бу Марғубанинг товуши эди! Ҳаяжондан овозим қичмай қолди. Эс-хушимни йиғиб олмасимдан эшик қия очилди. Марғуба — умрим, ҳаётимнинг мазмуни, қўзимнинг оқу қораси, яккаю ёлғиз дилбандим рўпарадга турарди...

Сочларини бўятибди, қирқтирибди, жингалак, тўзиган, алламбало халатда, юз-кўзларига бўёқ чаплаган. Мени кўриб ҳайратда қолди.

Э, худойим, дейман ҳозир. Агар уни ўша ахволдагина учратганимда эди, қўлидан етаклаб ортага қайтган, уни жиркан ҳаётдан ажратиб олган, айбларини кечирган бўлармидим?! Афсуски, қафтларим орасида авайлаб ўстирган гулгунчам аллақачон ўз ор-номусини бадном қилиб бўлган экан, ҳаял ўтмай ортидан бир яланғоч басавлат эркакнинг башараси кўринди...

Ишонасизми, ўз болам билан шу қадар бегоналашиб кетганимни шундагина тушуниб етдим. Зинадан бир қават пастга тушганимдан сўнггина, қизимнинг «Ойи, ойижон» деган овози эшитилди. Ортимдан югуриб тушиб, маҳкам қучоқлади.

— Мени кечиринг, ойи, — деди у титраб.

— Кечирдим, аммо шу билан бирга сендай боламдан воз кечди ҳам!

Этагимни бир силтаб, қадимини тезлатдим...

Пастда, машинада мени қучтиб ўтирган йигит тушганим ҳамон саволга тутди.

— Ўша эканми қизингиз?

— Билмадим, исми, юзи, бўй-баси менинг боламники, бироқ мен уни таниёлмадим, — дедим, холос...

Умида опанинг ҳикоясини  
Шаҳло ТОШБЕКОВА  
қозғога туширди.

## “Саёҳат” даги валютафурушлар

Пойтахтнинг Мирзо Улугбек тумани ҳудудига жойлашган “Саёҳат” меҳмонхонаси ёнида кундалик тиричилик юзасидан юрган киракаш А.Фозиллов (исм-шарифлар ўзгартирилган) миқоз Ю.Турсуновни айтилган манзилига олиб бораётди, йўл-йўлакай гапга солди. Сухбат мавзуси валюта савдосига бориб тақалганда, йўловчи “Менга озроқ доллар керак эди, мабодо танишларингиз бўлса айтинг”, деб қолди. Киракаш танишларидан суриштириб кўришни айтиб, мижознинг телефон рақамларини ёзиб олди.

Тундан кейин ана шу меҳмонхона ёнида миқоз кутаётган К.Рашидовга эрталабки гапни айтиб, ундан “долларчи” оғайнилари бўлса, тайёргина миқоз топилганини, шу орада ўзлари ҳам қуруқ қолмаслигини қистириб ўтди.

Икковлон мўмайгина маблағ ишлаб қолиш ниятида ноқонуний валюта олдибердиси билан шуғулланувчи дўстларини ишга солиб, шу куннинг ўзидаёқ Ю.Турсунов билан учрашишди. Аввалига у миқозга кўнғироқ қилиб, қанча “кўк” издан кераклиги, неча пулдан олиши ва қаерда кўришишларига обдон аниқлик киритди. Кейин К.Рашидов ўз танишлари С.Алимов ва В.Воҳидовга Ю.Турсунов олиши мумкин бўлган 4500 АҚШ долларини меҳмонхона ёнига соат 17:30 да олиб келишини айтди.

Ҳамма айтилган жойда йиғилди. Ҳаш-паш дегунча савдо ҳам бошланиб кетди. Долларфурушлар 4500 АҚШ долларини фуқаро Ю.Турсуновга 2400 сўмдан “пулла”, жуфтаникни ростлаб қолишга шайлашди. Лекин мақсадларига эриша олмади. Воқеа жойига етиб келган Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари тезкор тадбир орқали қонунбузарларнинг эгри қилмишларини фош этишди. Нафси хакалак отган кимсалар тегишли тартибда жазаго тортилди.

**Жамшид ТҲУТАЕВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги  
СВОЖДЛҚК департаменти  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
катта инспектори.

## Кўза кунда синди!

Қонуний йўл орқали тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳалол фойда-даромад топанга не етсин. Лекин нафс балоси курсин-да. Сабаби...

Сарибой (исм-шарифлар шартли) ҳам ана шундай ўз манфаатини ўйлайдиганлар тоифасидаги сохта тадбиркорлардан экан. У пойтахтнинг “Авиасозлар” бозорида савдо қилишни бошлаганига яқинда уч йил бўлди. Лекин энг қизиғи, шу кунга қадар қонуний рўйхатдан ўтмиш хаёлига ҳам келтиргани йўқ. “Лисунова” мавзесида истикомат қилувчи “тад-

## ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

биркор” бозордаги таниши С.Жўраевнинг дўконига озгаки ижара асосида савдо қилади.

“Кўза кунда эмас, кунда синади”, деганлари рост. Назорат ходимлари томонидан ўтказилган бу сафарги текширув Сарибой Авезовнинг қинғир қилмишини фош этди. Тўғривоғи, унга солиқчиларга “чап бериш” насиб қилмади. Савдо авжига чиққан пайтда назоратчи ходимлар дўкон ёнида пайдо бўлишди. Буни кўрган С.Авезовнинг рангида ранг қолмади. Сабаби, у бир неча ойдан буён қочиб юрган эди-да.

Дўкон текширувдан ўтказилганда, 71 турдаги 644 дона, жами 42.045.500 сўмлик пойабзал маҳсулотлари бўлиб, тегишли сифат сертификатлари ва кириш ҳужжатлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Текширув давомида бозор ҳудудидаги оморда ҳам С.Авезовга тегишли ана шундай пойабзаллар борлиги маълум бўлди.

Охир-оқибат, “тадбиркор” никобидидаги С.Авезов Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, катта миқдордаги жарима жазосига тортилди.

**Одил МИРЗАЕВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги  
СВОЖДЛҚК департаменти  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
инспектори.

## АЖАБ ОЛАМ

### Парашютда “Кубик-рубик”?..



Бу воқеа Пол Льюиснинг парашют спортига бўлган меҳрини сўндира олмади. Шундан сўнг ҳам у бир неча бор омадли сакрашларни амалга оширди. Германиянинг Дрезден шаҳрида яшовчи Льювиг Фитч исмли талаба ҳам парашют “жинисси”. У нафақат парашют деса, балки “Кубик-рубик” бошқотирмаси деса ҳам ўзини томдан ташлайдиганлардан. Льювиг 14 километр баландикдан ўзининг резина қайиғида сакраб экан, парвоз чоғида “Кубик-рубик” бошқотирмасини ечиб улгурди. Бошқотирма ечимини учун 31,5 соция кифоя қилди. Бу ўжар талаба кейинги сакраш чоғида бир йўла иккита “Кубик-рубик” бошқотирмасини ечишни режалаштирган.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

## Кўз

Инсоннинг кўзи ўзгармайди. Узоқ йиллар учрашмаган дўстлар ҳам бир-бирларини кўзларидан танишади. Негаки, сочлар, хатто қошлар оқаради, юзларни ажин қоплайди. Қўл... у ҳаммадан аввал кексалик аломатларини намоён қилади.

Аммо кўз... Ўша-ўшалигича тураверади. Хиралашганини ҳам сездирмайди, кексалигини ҳам. Ёниб, қачнаб тураверади.

Ёшлиқда ҳам, қарилқда ҳам бирдай.

Кўзни эгаллик деганлари шумикин? Кўзнинг эгаси киприкмикин? У кўзни чангдан, губдордан, кутилмаган фалокатдан асрагани каби кексалиқдан ҳам асрармикин?..

## Ота ўғил

У боласининг кўнглига қаради. Ҳамма нарсага муҳайё қилди. Ҳеч кимдан кам қилма-

ди. Ҳеч нарсага зориқтирмади. Қўлини совуқ сувга урдирмади. Болакай мактабининг олди бўлди, маҳалланинг фахри бўлди. Биринчи бўлиб у велосипедча минди. Биринчи бўлиб у мотоцикл ҳайдади. Ҳа, деса, ма, деб чўнтагига пул солиб турди отаси.

У тенкурларидан ўзиб кетди. Қўл чўзиб етиб бўлмади қолди унга. Отанинг сояи давлатига ҳаволанди, “фалончи”нинг ўғли бўлиб учиб юрди осмону фалакларда.

Аммо... Орадан йиллар ўтди.

Яхши отлар кейин чопди. Ортда қолганларнинг бари ундан ўзиб кетди. Олдинга чиқиб олди.

Негаки, уларнинг суғи меҳнатда котди. Ҳаваслари истакка, сўнг ҳаракатга айланди. Ҳаракат уларни олға бошлади. Ўзларини ўтга, чўққа уришди. Йўқни бор қилдилари келди. Олдинга интилишди. Ҳеч кимга ишонилмади, суяшилмади. Уларнинг ўзидан бошқа суянадиганлари йўқ эди.

## ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Ҳозир бирининг тағида “Нексия”. Бирини “Ласетти”. Иморатлари осмонўпар. Бунга уларнинг ўзлари эришди. Меҳнат қилиб, елиб, югуриб. “Фалончи”нинг отаси дейдиган бўлишди уларнинг падари бузрукворларини...

Унинг ўғли эса ҳануз бола. Ҳануз отаси чўнтагига пул солишини кутиб ўтиради...

Лола УРОКОВА

“Бир дунё орзу-ҳавас билан Хуршидга турмушга чиққан эдим. Дастлаб бахтли яшадик. Таниган-билганимиз бизга ҳаваси келарди. Қайнота-қайнонам баъзани инсонлар эди. Мен уларнинг хурматини, уй юмушларини ўрнига қўярдим. Қайнонам қўни-қўшилларга пиширган таомларини “Таъми оғизда қолади”, деб мақтардим. Афсуски, йиллар ўтса ҳам, фарзандли бўлавермадик. Даволанишларимиз фойда бермади. Оилани мустаҳкамлайдиган ришта фарзанд экан. Қайнонамнинг ҳам муносабати ўзгарди. Қўлим ишга, оғзим ошга бормай қолди. Хуршид бола асар олайлик деганди, ота-онаси рози бўлмади. У ҳам икки ўт орасида қийналиб кетди. Қайнукамни уйлантиргач, бошқа уй-жой қилиб алоҳида яшай бошладик. Қайнота-қайнонам бирор марта бўсағамизни босмади. Шундан сўнг ажрашишга қарор қилдим. Онам ноилож жонимга ора кирди. Хуршидга “Кизим сендек бепуш билан умрини ўтказмайди”, деб оёқ тираб олди. Қонуний ажрашдик. Мана, шунга ҳам 18 йил бўлибди. Онам қариб қолди. Қайта турмуш курсам, улар хотиржам бўларди, деб ўйлайман. **Ёшим 42 да.** Маълумотим урта махсус. Фарзандим йўқ, 55 ёшгача бўлган, тошкентлик, диёнати, фарзандлари ташвишдан қутулган, иши тайин, уй-жойли, ёлғиз яшайдиган эркек учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**РОЗИЯ,**  
Тошкент шаҳри”.



ёзаяпман. Асли хоразмликман. Мактабни тугатиб, Тошкентга ўқишга келдим. Омадим чопмади. Сўнг юртимга қайтмай, шу ерда ишлаб қолдим. Пойтахтлик Лобар исмли қиз билан севишиб турмуш қурдик. Хотиним меҳрибон оқ кўнгли аёл эди. Яхшигина яшаётгандик. Фарзандли бўлавермадик, Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтига бориб текширувдан ўтдик. Ташхис натижаларига қўра хотиним фарзанд кўролмас экан. Уни яхши кўрганимдан, усиз ҳаётимни тасаввур қилолмаслигимдан бола асраб олмадик бўлдим. Лекин қайнонам розилик бермади. “Ўзи, қизимнинг сендай уйсиз-жойсиз инсонга турмушга чиққанига норози эдим”, деб қизик-уим-жойим дейдиган, мустаҳкам оила қуриш нияти бўлган аёл ёки бирор сабаб билан турмушга чиқмаган қизга уйланоқчиман.

**НОДИР,**  
Хоразм вилояти”.

дан нур ёғилиб турган аёл ўзини Анарахон ҳола деб таништирди. Укаси Асқар акани бошлаб келибди. — Тошкентликмиз. Шу укам қўшнимизнинг қизи Мавлудaxonга уйланганди. Келиним раҳматли ниҳоятда болажон аёл эди. Беш боласини оқ ювиб, оқ тараб, чамқоқдай қилиб воёга етказди. Жияларимнинг барини уйли-жойли қилиб, энди хузув-ҳаловатини кўриб, айни тўйма-тўйи ярадиган чоғи бедаво дардга чалиниб қолди. Укамнинг бормаган жойи, кўрсатмаган доктору табиби қолмади. Қисматдан қочиб қутуллолмас экансан... «Оила ва жамият» газетасини мунтазам ўқиб бораман. Бахтини қайта топишида ёрдам берасизлар, деган умидда укамни бошлаб келдим. Жияларим ҳаммаси рози бўлишди. Улар ниҳоятда меҳрибон, отасининг иссиқ-сувуғидан ҳабардор. Лекин барибир аёлниги ўрни бўлак-да. Қани энди, келиним Мавлудaxonдай оқ кўнгли, уйим-жойим дейдиган, хушмуомалали, парзанда аёл учраса. **Асқарнинг ёши 61 да.** Нуфузли ташкилотда ишлаб нафақага чиққан. Укам Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидан 55 ёшгача бўлган, фарзандлари ташвишдан қутулган аёлга уйланоқчи.

Асқар ака ўтган сонларда “Бахтли бўлинг” рўқнида чоп

этилган икки аёлниги тақдирини билан қизикди. Уларнинг иккиси ҳам турмушга чиқиб кетганини билдирдик. Газетани мунтазам ўқиб боришим, у кишига имкон борича ёрдам беришимизни айтдик.

\*\*\*

“Отам бевақт қазо қилгач, онам қаттиқ куюниб хастанлиб қолди. Узоқ вақт касалхонада ётиб даволанди. Энам — отамнинг онаси биз билан яшарди. Укам иккинчи синфда ўқирди. Уй юмушлари менинг зиммамда эди. Онамининг касаллиги зўрайиб, қаҳратон қишда вафот этди. Онам бечора ўғлимнинг чирогини ўчирмайман деб, амалиларимникига ҳам бормади. Укам иккимизни бағрига олиб, бировдан кам қилмай воёга етказди. Синфдошим Сарвар билан севишиб турмуш қурдик. У бой-бадавлат оиланинг ёлғиз фарзанди эди. Ота-онасининг қаршилигига қарамай, менга уйланганди. Энам «Жон болам, кўрпангга қараб оёқ узатмадинг,

тенг-тенги билан, деган гап бежиз айтилмаган. Илоҳим бахтли бўлгин. То беш-олти марта қор ёғиб, босилмагунча сендан ичим исмайди», деганди. Қари билганини пари билмас, деганларича бор экан. Келинлигимга уч кун ўтмай, Сарварнинг яқинлари қадримни ерга уриб, етим ўсганимни, камбағаллигимизни юзимга солишди. Тишимни тишимга босдим. Ўзим пиширган ош, дедим. Тухмат қилишгача бориб етишди. Ахирри, энам Сарварга «Сен ҳам ённи олмадинг, қанақа эркексан?» деб мени уйимизга қайтариб олиб кетди. Қонуний ажрашдик. Етти ой ўтиб, қизчали бўлдим. Бошимдан не кунлар ўтди. Холамининг маслаҳати билан «Оила ва Жамият» газетасига хат ёздим. Хатим жавобсиз қолмади. Менга сурхондарёлик бефарзандлиги тўфайли хотиндан ажрашган Қосимнинг телефон рақамини беришди. Юлдузимиз тўғри келиб, турмуш қурдик. Қосим иймонли, олий маълумотли, ниҳоятда оқ кўнгли, меҳрибон инсон экан. Яқинда битта фарзандимиз иккита бўлади. Сизлардан бир умр миннатдорман.

**ГУЛНОРА,**  
Сурхондарё вилояти”.

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхасини тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

“Сизларга умид қилиб хат Тахририятга келган оппоқ рўмоли ўзига ярашган, юз-кўзи-

# Борга ҳашам, йўққа томошами?

Шу кунларда тўйлар яна кўпайган-дан кўпайди. Барчамизга шундай тўйлар қилиш, яхши кунлар насиб этсин, албатта. Аммо исрофгарчиликка йўл қўйилмаётгани, дабдабозликка берилиб кетилаётгани кишини ўйга толдиради... Қизи бор уйнинг эшигини вақти-соати билан совчилар черта бошлайди. Бундан ота-оналар бир суюнишса, бир куюнишсади. Боиси, йиллар давомида оқ ювиб, оқ тараб ўстирган қизларнинг қандай хонадонда келин бўлиши, қандай оиланинг фарзанди билан юлдузи-юлдузига тўғри келиши, тушган жойида тиниб-тинчиб кетиши ташвишга солади уларни. Устига устак, кейинги пайтларда тўй маросимлари билан боғлиқ янги одатлар пайдо бўлаётгани, бу ортиқча сарф-харажатлар кўпчиликнинг қаддини букиб қўймоқда.

Яқинда бир танишим қиз узатди. Уйдаги бор мол-қўйи тўй харажати учун сотилди. Бир неча юз минг сўмлик мебеллар тўплами, қанча гилам, кўрпа-тўшак, бир-икки уйни безатадиган келинлик сарполари, яна... тилла тақинчоқлар. Энг қизиги, келиннинг сепини куёв хонадонидан ажратилган чоғроққина икки хонага сидириб бўлмади. Анчаси ташқаридан жой олди.

Чамаси икки ойлар олдин танишим "Тўй бошлаб қўйдим", деганди. Ушанда хурсанд эди у. "Тўйнинг ширин ташвиши кўп. Бозорма-бозор чолиб юрибмиз", дея катта-катта сумкаларга ишора қилганди. Тўй-ку шод-хуррамлик билан ўтди, аммо кейин танишимни паришон ҳолда қўриб, сабабини сўрасам, хасрат қилиб қолди:

— Тўйни бор-будимизни сарфлаб ўтказиб олдик, қақирдига келганда қарз ҳавола қилишга тўғри келди. Энди олган пулимизни фоизи билан тўлашимиз



керак экан. Шунинг ташвишида юрибмиз...

— Ахир, берадиганингизни тўй кунини бериб бўлгандингиз-ку! — дедим унинг озиб, кўзлари киртайиб қолганига ачиноиб.

— Эҳ, янги одатлари ҳам бор бўлсин. "Мадонна" деган идиш-товокларни олиб қўйдим, қизимга аталган тилла зирақлар учун ҳам амал-тақал қилдик. Қуёвнинг сарполарига кетадиган пулни қандай топишни ўйлаётсам, қизим телефон қилиб қолди: «Ойижон, духовка, чангоғотич, дазмол, тефаль... ёдингиздан чиқмасин, ҳозир шундай экан», деди-да, телефони ўчириб қўйди. Демак, шу буюмларнинг берилишига ишора бўлганки, у вақт топиб, бизга етказган. Яна кимдан қарз кўтараркинми, деб ҳушим учаёзди. Дадаси айтилган нарсаларни олиб келди-да, "Яхшиям, ёлғизгина қизимиз бор, худо бериб, икки-уч қиз туққанинда уйимизни қаердан топардик?" деди аччиқланиб. Қиз узатиш бу қадар қийин бўлиб кетганини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Йилдан-йилга урф-одатларимизга янгилик киритилаётганини эшитиб, қизи

## МУШОҲАДА

борларнинг юраги увишаётгани бежиз эмаслигини англадим. Нима эмиш, энди қизнинг сепи билан сўри ҳам бериладиган бўлибди. Аввалига ишонмадим. Бир издиҳомда шу ҳақда гап ҳам бўлди.

— Бор гап бу, — деди шаҳарлик бир аёл мавзуга ойдинлик киритиб. — Биз ҳам тўй кунини қўшимизникида каттақон сўрини хонтахтаси, кўрпачаю ёстиклари билан кўриб, санъаткорлар учун олиб келишибди, деб ўйлагандик. Кейин билсақ, келин томон жўнатган экан.

Шунда ўғли борлар гердайиб:

— Мана шунақа бўлади, ўғил боққанинг хурмати! — дейишди.

Ҳалиги аёлни ҳам қизи бор экани, бу гапга қўшилмади:

— Шусиз ҳам қиз боққанга қийин бўлаётганди. "Борга ҳашам, йўққа томоша", деб шунга айтишса керак-да. Ўзи, қиз узатгандан кейин анча вақтгача мазар ташиш, байрамлардаги йўқлаш кишининг тинкисини қуритади.

— Шаҳар билан қишлоқ ўртасида азалдан тафовут бор, — деди ёнидаги яна бир аёл. — Бизнинг тўй-маросимларимизда ортиқча дабдабозликка йўл қўйилмайди. Онда-сонда биров кимўзарни бошласа, ҳамма оёққа туради.

Ҳа, юртимизда тўй-маросимлар ўтказишни тартибга солиш тўғрисида хайрли қадамлар ташланган эди. Аммо бу борада кимўзарликлар ҳамон давом этаётгани афсусланарли ҳол. Жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари, оксоқолу кайвонилар, маҳалла маслаҳатчилари тўйларимизни дабдабасиз, камчиқим ўтказишга эътиборни янада қучайтиришлари керак. Назаримизда, ота-оналар қизларига бериладиган сепни эмас, балки уларни мустақил ҳаётга, рўзгорга тайёрлаш ҳақида қайғурса, яхши бўларди. Тўй бир кунлик, сеп-сидирга ҳам умрга татиғулик эмас. Энг муҳими, қизларимиз тарбияли, ўқимишли, хунарли бўлсин. Айтадилар-ку, келиннинг сепи бўлгунча эпи бўлсин, деб.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**  
"Оила ва жамият" мухбири.  
Андижон вилояти.

## СПОРТ • СПОРТ

### Полвонларимизнинг Эрондаги муваффақияти

Кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 2 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

66 килограммгача бўлган оғирликдаги полвонлар беллашувида ҳамюртимиз Арслонбек Махмудов Эрон, Афғонистон, Ироқ вакиллари энгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда яна бир ҳамюртимиз, кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Олим Равша-



новни мағлубиятга учратган Арслонбек Махмудов Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Олим Равшановга кумуш медаль топирилди.

Вазни 73 килограммгача бўлган курашчилар беллашувида истеъдодли полвонимиз Давлат Абраев ҳам Эрон ва Ироқ полвонларини энгиб, қитъа чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Осиё чемпионатида яна Улуғбек Қўлдошев кумуш, Шухрат Арслонов, Элмурод Соатов ва Бехзод Тўрабоев бронза медал билан тақдирланди.

### Теннис маликалари яна Тошкентда

Хотин-қизлар ўртасидаги "Toshkent open - 2011" халқаро теннис турнири бошланди.

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортлари мезбонлик қилаётган бу йилги мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан кучли ракетка усталари яқкалик ва жуфтлик беллашувларида голиблик учун куч синашмоқда.

"Toshkent open - 2011" халқаро турнирида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган теннисчиларимиз орасида Оқул Омонмуродова бош совринга асосий даъвогарлардан. 2005 ва 2009 йилларда "Тошкент опен"нинг финалида қатнашган Оқул бу гал бош совринни қўлга киритиш учун яхши имкониятга эга. Ҳамюртимиз яқинда "Катта дубулга" туркумига кирувчи дунёнинг энг нуфузли тўрт турниридан бири - АКШ оқиқ чемпионатида муваффақиятли қатнашгани унинг тажрибаси ошганидан далолатдир.

Яна истеъдодли ёш теннисчиларимиз Сабина Шарипова ва Нигина Абдураимова ҳам мусобақа ташкилотчилари томонидан махсус рухсатнома - "wild card" берилди. Улар "Toshkent open - 2011" турнирининг асосий тур беллашувларида ўз маҳоратини намойиш этади.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

## РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қўйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шмиди, плащ-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ой ўқиб, 2 ой амалият.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Пишириқлар олий курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.  
Аёллар саргарошлиғи — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва мажмуи — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Саргарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Қаштачилик — 3 ой (машиқада вышивка).  
Тикувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой.  
Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой.  
Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёти билан**  
Етоҳона мавжуд.

**Ўқиниш тугатганларга**  
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дөжон бозори бош томони ораксиди.  
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ  
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Қўйлик кийим бозори рўпарасида.  
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

#### Азиз сингилжоним Гулзоя!

Сени туғилган кунинг билан муборакбод этаман. Соғлиқ-саломатлик, ўқинишга омад тилайман. Бахтимизга доимо соғ, омон бўлгин.

Опанг Фазилат, сингилнинг

Эътибор Абдуҳолиқова,

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.

## ФҲДЁ ФАОЛИЯТИ

### Битта ажрим ҳам кўп

ФҲДЁ бўлимларига ҳар кун миңлаб кишилар мурожаат қилади. Кимдир оиладагу қувончи байрам туфайли, янги туғилган чақалоққа гувоҳнома олгани келса, ёшларимиз мустақил ҳаётда ҳамфикр, ҳамқадам бўлиш учун бахт тўйи олдиқдан бизни йўқлайдилар. Ана шундай эзгу ишларни ҳар кун, ҳар соатда рўйхатга олгимиз келади.

Шу йилнинг 6 ойида 705 та туғилиш ва 32 та никоҳ ҳолати қайд этилди. Афсуски, ҳар кунимиз шундай қувончли воқеалар билан ўтмайди. Оилавий ажримлар ҳақида гап кетса, эр-хотинлар нари турсин, бизнинг ҳам қалбимиз зириллайди. Қувонарлиси, ёшларни оилага тайёрлашда маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларимиз катта ёрдам бермоқда. Жумладан, "Қариндошга қиз берманг", "Оила — муқаддас даргоҳ" каби мавзудаги учрашувлар, тарғибот тадбирлари кўпчиликда қизиқиш уйғотаяпти. Энг муҳими, саб-ҳаракатларимиз бесамар кетмапти. Шу йилнинг биринчи ярмида туман миқёсида 1 та оилавий ажрим қайд этилди. Тўғри, статистика томондан қаралганда бу жуда оз кўрсаткич, аммо шу биргина ҳолат ҳам биз учун кўплик қилади. Қанийди, барча оилаларимиз тўқис ҳамда фарзандларимизнинг бағри бутун бўлиб ўсса.

Мухиба ИМОВОВА,

Когон туман ФҲДЁ бўлими мудир.

### ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот-технологиялари касб-ҳунар коллежи ошхонасини юритиш учун тендер эълон қилади. Тендерда қатнашиш истагини билдирувчилар 233-07-85 телефониغا мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзил: Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 7-уй.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

**«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик** компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топириш вақти — 15:00. Босишга топирилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 928. Формати А-3, ҳажми 2 табақ. Адади — 7586.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ

Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ

Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,

Мафтуна МИНГБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5